



SOME ISSUES OF PROTECTING CITIZENS FROM ILLEGAL MIGRATION AND HUMAN TRAFFICKING

Saidov Mionfarux Rabiullayevich

Lecturer of the Department of Administrative Activities of Internal Affairs Bodies at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17358928>

ARTICLE INFO

Received: 05th October 2025

Accepted: 10th October 2025

Online: 15th October 2025

KEYWORDS

illegal migration, human trafficking, citizen protection, migration protection, international cooperation, victim support.

ABSTRACT

This article analyzes the problems of illegal migration and human trafficking phenomena on global and national scales. It examines the legal, social, and organizational aspects of protecting citizens from these dangerous processes. The article specifically discusses the causes of migration, mechanisms for protecting victims of human trafficking, the role of government bodies, and the effectiveness of international cooperation. Based on the analysis, practical recommendations for protecting citizens are provided, with examples from the situation and reforms in Uzbekistan. The article has practical significance for lawyers, social workers, and government agencies.

ФУҚАРОЛАРНИ НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯ ВА ОДАМ САВДОСИДАН АСРАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Саидов Миёнфарух Рабиуллаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17358928>

ARTICLE INFO

Received: 05th October 2025

Accepted: 10th October 2025

Online: 15th October 2025

KEYWORDS

ноқонуний миграция, одам савдоси, фуқароларни асраш, миграцион ҳимоя, халқаро ҳамкорлик, қурбонларни қўллаб-қувватлаш..

ABSTRACT

Ушбу мақола ноқонуний миграция ва одам савдоси феноменларининг глобал ва миллий ўлчовлардаги муаммоларини таҳлил қилади. Фуқароларни ушбу хавфли жараёнлардан асрашнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий жиҳатлари кўриб чиқилади. Мақолада хусусан, миграциянинг сабаблари, одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш механизмлари, давлат органларининг роли ва халқаро ҳамкорликнинг самарадорлиги муҳокама қилинади. Таҳлил натижасида фуқароларни асраш бўйича амалий тавсиялар берилади,



шунингдек, О'збекистондаги вазият ва реформалар мисол сифатида келтирилади. Мақола ҳуқуқшунослар, ижтимоий ишчилар ва давлат идоралари учун амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда одам савдоси ва миграция жараёнларини тартибга солиш масаласи долзарб вазифага айланган. Бу жараёнлар, *бир томондан*, мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши давридаги иқтисодий қийинчиликлар ҳамда чегараларнинг очилиши натижасида аҳоли миграциясининг кучайиши билан, *бошқа томондан*, меҳнат миграциясининг кескин ўзгариши натижасида криминоген вазиятнинг оғирлашуви, яъни трансчегаравий жиноятларнинг кўпайиб бориши билан боғлиқ.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни кўймоқда¹.

Инсонлар доимо ҳурмат ва эъзозга лойиқ. Инсоннинг шаъни, қадр-қиммати энг олий қадрият. Аммо инсониятга турли хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Айниқса, уларнинг ичида одам савдоси жинояти қурбонларига оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Одам савдоси инсонларга кулфат келтирадиган жиноят бўлиб, жабрланувчиларнинг гоҳида соғлиги, гоҳида эса умрига зомин бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда такидлаганларидек, “Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда”².

Мазкур жараёнларда Ўзбекистон барча минтақаларда ва аввало, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият билан ҳаракат қилиб келган. Мамлакатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида бу борада 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат ҳамда БМТнинг 10 та асосий конвенцияси ратификация

¹ “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5005-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №15. – 243-м.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Конституциянинг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи”, Т–2016 йил.



қилинди³. Шу боис миграция соҳасини тартибга солувчи қоидалар халқаро ҳуқуқ соҳасида узоқ илмий тарихга эга.

Бугунги кунда Ўзбекистондан меҳнат миграциясининг айрим йўналишлари давлат томонидан тартибга солинади ва бошқарилади, баъзилари эса хаотик характерга эга. Ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг аксарияти Россияга келади, халқаро миграция ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра уларнинг сони 2 миллионга яқин. Шу билан бирга, сўнгги йилларда ушбу мамлакатга кўчиб ўтишнинг пасайиши, ушбу мамлакатдаги иқтисодий вазият билан боғлиқ асосий сабаблар мавжуд. Россиянинг иқтисодий муаммолари билан бир қаторда, асосан Ғарбий Европа ва АҚШнинг етакчи давлатлари томонидан иқтисодий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ бўлиб, Россияда Федерал миграция хизмати томонидан мамлакатда меҳнат фаолияти учун патентни жорий этиш, шунингдек, рўйхатга олиш тартиб-қоидаларини мураккаблаштириш каби омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, Россияда меҳнатни иқтисодиётга импорт қилиш тенденцияси сақланиб қолмоқда ва Россия меҳнат ресурсларини импорт қилишга бўлган эҳтиёжнинг сабаби мамлакат иқтисодиётида сақланиб қолган меҳнат талаб қиладиган тармоқлар бўлиб, саноатнинг ривожланиши инновацион технологияларни жорий этишнинг паст даражаси билан боғлиқ.

Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида 133 минг муҳожир Россиядан Ўзбекистонга қайтди. Бунинг сабаби Россия иш берувчилар томонидан иш ҳақининг кечикиши бўлиши, бунинг меҳнат миграцияси агентлигига мингдан ортиқ шикоят келиб тушганлиги тасдиқлайди⁴. Меҳнат муҳожирлари, шунингдек, рублнинг девальвацияси натижасида келиб чиққан ҳозирги иш ҳақининг сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан изоҳлайдилар. Бироқ, муҳожирларнинг аксарияти Туркия ёки Озарбайжон каби бошқа меҳнат бозорларига йўналтиришни афзал кўрдилар.

Умумий Интернет сайтларида олинган маълумотларнинг таҳлили меҳнат миграцияси масалаларида бир қатор муҳим муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Шундай қилиб, Ўзбекистон ишчи кучининг “донори” сифатида ишсизликни камайтириш, чет элда, биринчи навбатда Россияда фаолият юритаётган фуқароларининг меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ички меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилаш бўйича чоралар кўрмоқда.

Чет элга кетаётган барча фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бугунги кунда чет элда ишлаш истагини билдирган муҳожирларнинг етарлича катта қисми учун чет элда қонуний иш билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келмоқда. Шу муносабат билан, меҳнат муҳожирларининг аксарияти ушбу Агентликнинг хизматларидан фойдаланмайди, чунки чиқиш тартибига кўра, меҳнат миграцияси учун чет элга кетаётган шахсларнинг мажбурий касбий тайёргарлиги тўғрисида сертификат талаб қилинади, шунинг учун кўпчилик

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

⁴ <https://strategy.uz/index.php?news=1813>



фуқаролар хавфсизлигини хавф остига қўйиб, Россия ёки Қозоғистонга боришни афзал кўрадилар. Ушбу ҳолат шубҳали воситачиларнинг хизматларидан ёки “одам савдогарлари” дан фойдаланишга катта ҳисса қўшади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланган шахсларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришнинг ташкилий, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, мазкур йўналишларда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш⁵ борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, миллий қонунчиликни одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мажбурий меҳнатга барҳам берилди, одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ишлар тизимлаштирилди, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқий ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилди, ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилинди, халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди. Мамлакатимизда мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланди ва бошқа давлатлар учун намуна сифатида эътироф этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унда одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби ноқонуний ҳаракатларни қамраб олувчи ижтимоий хавфли қилмиш эканлиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда қарийб ўн тўрт йил мобайнида одам савдосига қарши курашиш бўйича қабул қилинган қонун ва қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарали ижроси таъминланаётганлиги боис, бугунги кунга келиб одам савдосининг камайишига эришилди.

Бироқ, ҳозирги кунда одам савдоси жиноятларининг содир этилиши кундан кунга ортиб бораётганлиги, чет давлатларга иш излаб чиққан фуқароларимиз одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг алдовларига ишониб қолаётганликлари ва бошқа ҳолатлар.

Бироқ, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келаётган нотинч вазиятлар аҳоли миграциясини кучайтириш орқали жиноятчилик, одам савдоси, террорчилик, экстремизм, гиёҳвандлик ҳамда ўта хавфли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда⁶.

⁵ <https://lex.uz/docs/6703984?ONDATE=13.01.2025%2000>

⁶ Б.И.Эгамбердиев. “Миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид айрим масалалар” Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – Т.:, 2020. – № 1 (44)-сон 153-б.



Террористик ташкилотлар томонидан алдов йўли билан жангарилар сафига қабул қилинган шахсларнинг орқага қайтишига йўл қўйилмаслиги, бунга ҳаракат қилганларнинг ҳаёти ўлим билан яқун топиши, уларнинг мажбурий тарзда жангарилар билан бирга жанговар ҳаракатларда қатнашишларига ҳамда содир этаётган жиноий қилмишлари билан мудҳиш жиноятларнинг иштирокчисига айланишларига сабаб бўлмоқда.

Террористик ташкилотлар ўз сафларини кенгайтиришда ўзга юртларда сарсон-саргардонликда иш излаб юрган ёки одам савдосининг қурбонига айланган ёшларни террорни тарғиб қилувчилар томонидан алдов ёки катта пул маблағларини ваъда қилиш билан боғлиқ ёллаш ҳаракатларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ ҳолда фаолият олиб бораётган халқаро уюшган жиноий гуруҳ ва ташкилотларнинг фаолиятини кучайишига кўп ҳолатларда халқаро уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, уларнинг замонавий ахборот коммуникация технологиялари, айниқса интернет тармоғидан фойдаланиб тез ва аниқ ўзаро ахборот алмашиш имкониятининг юқорилиги, ушбу виртуал оламнинг имкониятларидан жиноят қурбонларини топишда, уларни ёллашда фойдаланилаётганлиги ёки катта тажрибага эга мутахассис психологларнинг бу ишда иштирок этаётганлиги, уюшган жиноий гуруҳлар ўртасида манфаатлар бирлашган айрим давлатлардаги коррупция, транзит чиқиш ва миграция муносабатларини назорат қилишдаги мавжуд камчиликлар ва муаммолар сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари чет эл давлатларида ишлаш учун кетган одам савдосининг қурбони бўлган айрим фуқароларимиз баъзи ҳолатларда алдов йўли билан террористик ташкилотлар ва гуруҳларга қўшилиб қолаётганлигини оммавий ахборот воситаларидан ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг энг хавfli жиҳати шундаки, халқаро террористик ташкилотларнинг фаолиятларида ўз сафларига хотин-қизларни давлат чегарасидан ташқарида шахвоний хизматлар учун террорчи гуруҳ жангариларга мажбуран турмушга бериш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Бундай шахвоний мақсадлар учун хотин-қизларни ёллашда террорчи гуруҳлар одам савдоси билан шуғулланаётган жиноий гуруҳлар билан келишган ҳолда жиноий фаолият олиб боришга ҳаракат қилаётганликлари оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда.

БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.



Бугунги кунда дунёда одам савдосини учта кенг турқалган тури мавжуд бўлиб, булар: жинсий эксплуатация (фохишабозлик), мажбурий меҳнат ва одам аъзоларини сотишдир.

Жинсий эксплуатация учун асосан аёллар (шу жумладан қизлар) сотилади. Маълумотларга кўра, аёлларнинг 72 фоизи шу мақсадда сотилар экан.

Мажбурий меҳнатга жалб қилинганларнинг асосий қисмини эса эркаклар ташкил қилар экан. Бу кўрсаткич 85,7 фоизни ташкил қилиши одам савдосидан жабр кўрган эркакларнинг аксарияти мажбурий меҳнат орқали амалга оширилишини кўриш мумкин⁷.

Одам аъзоларини сотиш жинояти эса жуда ҳам кўзга ташланмайдиган одам савдосини тури бўлиб, одам савдоси “товарлари” умумий сонининг 1 фоиздан кўп бўлмаган қисмини ташкил қилар экан. Бу турдаги “товарлар”нинг йиллик савдоси 1 млрд. доллардан ортиқ миқдорни ташкил қилиши жиноятнинг мазкур тоифаси ҳам жиддий муаммо эканлигини тасдиқлайди.

Бу жиноятларнинг асосий сабаби, таг замирига назар ташласак, маънавий қашшоқлик, очкўзлик, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс кўйиш ва нафсига қул бўлишликни кўраимиз.

Мана шундай ифлос, жирканч жиноят бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Афсуски, фуқароларимиз ҳам одам савдоси қурбонларига айланмоқда, бунини оммавий ахборот воситалари кўриб, эшитиб турибмиз. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган ва ундан жабр кўрган ҳамюртларимизни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб кўймоқда.

Ҳуқуқ устувор бўлган давлатимизда инсон ҳуқуқларини, қонунлар ҳимоясини амалга оширувчи органлар борки, бу каби иллатларни фош этишда кечаю-кундуз тинмай ишлашмоқдалар.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва олдини олишда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 14-моддасида мувофиқ белгиланган тартибда самарали ўтказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-405-сонли Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилган: Унга кўра “Қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг жиноят иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мумкин”⁸.

Хулоса сифатида мамлакатимиз фуқароларини одам савдосининг жабридийдаси бўлиб қолишининг олдини олишда нафақат бугунги ички ишлар

⁷ <http://nhrc.uz/uz/articles/odam-savdosi-global-muammo>

⁸ \кодекслар тўплами\жпк_uz.htm.



органлари, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари маъсул бўлишлари, ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришлари мавзунинг у ёки бу жиҳатларини ёритиб беришига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5005-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №15. – 243-м.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Конститутциянинг 24-йиллига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи”, Т-2016 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. <https://strategy.uz/index.php?news=1813>
5. <https://lex.uz/docs/6703984?ONDATE=13.01.2025%2000>
6. Б.И.Эгамбердиев. “Миграция соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид айрим масалалар” Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ахборотномаси. – Т.:, 2020. – № 1 (44)-сон 153-б.
7. <http://nhrc.uz/uz/articles/odam-savdosi-global-muammo>
8. \кодекслар тўплами\жпк_uz.htm.